

IQTISODIY TADQIQOTLAR
ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ,
ECONOMIC RESEARCH

ILMIY JURNALI

1
2021

**TOSHKENT DAVLAT IQTISODIYOT
UNIVERSITETI**

“IQTISODIYOT” FAKULTETI

**IQTISODIY TADQIQOTLAR
(ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ,
“ECONOMIC RESEARCH”)**

ILMIY JURNALI

1

2021

Toshkent

1
2021

Elektron ilmiy jurnal
Научный журнал
Scientific magazine

**IQTISODIY TADQIQOTLAR ILMIY
JURNALI**

MUASSIS

Toshkent davlat iqtisodiyot
universiteti

Tahrir kengashi raisi:

Abduraxmonov Qalandar Xodjayevich – i.f.d., prof.,
akademik

Tahrir kengashi:

Eshov Mansur Po'latovich- i.f.d., professor
Abduraxmonova Gulnora Qalandarovna – i.f.d., professor
Xudoyqulov Sadreddin Karimovich – i.f.d., professor
Begalov Baxodir Abdusalovich- i.f.d., professor
Bekmurodov Adxam Sharipovich- i.f.d., professor
Vaxabov Abduraxim Vasikovich- i.f.d., professor
Maxmudov Nosir Maxmudovich- i.f.d., professor
Salimov Baxtiyor Tadjiyevich- i.f.d., professor
Mustafaqulov Sherzod Igamberdiyevich- i.f.d., professor
Jumayev Nodir Xosiyatovich- i.f.d., professor
G'ofurov Ubaydullo Vaxabovich- i.f.d., professor
Xolmo'minov Shayzaq Raxmatovich- i.f.d., professor
Amirov Lochinbek Fayzullayevich – i.f.n., PhD
Xatamov Ibodullo Sadullayevich – i.f.n., dosent
Asqarova Mavluda Turopovna- i.f.n., dosent
Xajiiev Baxtiyor Dushaboyevich- i.f.n., dosent
G'ayibnazarov Sanjar Baxodirovich – i.f.n., dosent
Kamalova Malika Nizamovna- i.f.n., dosent
Mamaraximov Begzod Erkinovich- i.f.n., dosent

Tahrir hay'ati:

Begzod O'rinnov- (AQSh)
Uktam Burhanov – (Chekiya)
Bozorboy Berkinov – i.f.d. (O'zbekiston)
Mark Rozenbaum (AQSh)
Wolfgang Lukas (Germaniya)
N.V. Morozov (Rossiya)
Viktoriya Vdovichenko (Ukraina)
Gulyabmir Raxmani (Afg'oniston)
Axmed Muxamed Aziz Ismail (Misr)
Kaukab Azim (Saudiya Arabistoni)
Sherqul Shodmonov (Toshkent)
Rauf Salaxodjayev (Toshkent)
Axmedjon Mamatov (Toshkent)
Ju Jengron (Xitoy)
Jou Chingjiye (Xitoy)

© ISSN 2181-4457

**IQTISODIY TADQIQOTLAR ILMIY
JURNALI**

1 2021

**Elektron ilmiy jurnal
Научный журнал
Scientific magazine**

Bosh muharrir:

Eshov M.P.- i.f.d., prof.

Adabiy muharrir

Xajiyev B.D.- i.f.n., dots.

Bosh muharrir o'rbinbosari

Amirov L.F. - PhD

Musahhih:

Jurnal sahifalarida chop etilgan materiallardan foydala-nilganda "Iqtisodiy tadqiqotlar" ilmiy jurnalidan olindi deb ko'rsatilishi shart. Tahririyat taqdim etilgan maqolalarni taqriz qilish va qaytarish majburiyatini olmagan. Maqolada keltirilgan dalillar va ma'lumotlar uchun muallif javobgar.

Veb-sayt manzili: <https://economicresearch.tsue.uz>

E-mail: economicresearchjournal@gmail.com

MUNDARIJA

IQTISODIYOT, INNOVASIYA VA TADBIRKORLIK NAZARIYA VA AMALIYOT

Xajiyev B.D.	Milliy iqtisodiyotda daromadlar taqsimoti adolatlilagini ta'minlashning konseptual asoslari	5
--------------	---	---

Mamatov A.A. Erkayev A.N.	O'zbekiston iqtisodiyotini transformasiyalashuvi jarayonida investision mexanizmning roli	13
------------------------------	---	----

BARQAROR IQTISODIY RIVOJLANISH: MAKROIQTISODIY YONDOSHUV

Maxmudov N.	Innovatsion faoliyatning asosi – intelektual salohiyat	24
Amirov L.F.	O'zbekistonda qishloq xo'jaligi sohasini rivojlantirish muammolari	33

INSON RESURSLARINI BOSHQARISH, IJTIMOIY SIYOSAT VA BANDLIK

Goyipnazarov S.B., Saidov N.R., Yuldashev S.	Human capital and methodological aspect of calculating it: a global approach	45
Irmatova A.B., Isamuxamedov B.B.	O'zbekistonda kambag'allik holatining tahlili	57
Qosimov A.A.	Mehnat bozorining rivojlantirish va aholi bandligini ta'minlash yo'llari	72

TARMOQLAR IQTISODIYOTI VA REAL SEKTORNI KOMPLEKS RIVOJLANTIRISH

Salimov B.T., Salimov B.B.	Kichik va o'rta biznesni innovasion rivojlantirish	81
Yusupov M.S., Ismoilova G.T.	Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini qayta ishlash tizimini rivojlantirish mexanizmlari	86
Salimov Sh.B.	Kichik va o'rta biznesda innovasion faoliyatni rivojlantirish	103

TILSHUNOSLIK VA PEDAGOGIKA: ILM-FAN RIVOJLANTIRISH

YULLARI, MUAMMOLAR, TAXLIL VA NATIJA

Muhiddinova M.S.	Muqimiy ijodining yetakchi xususiyatlari	109
Kamalova M.N.	Модернизация системы языковой подготовки студентов неязыковых вузов Узбекистана	124
Xolmatova Sh.M.	Профессиональная компетенция в процессе преподавания русского языка как иностранного	131

ЎЗБЕКИСТОНДА КАМБАҒАЛЛИК ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Ирматова Азиза Баҳрамовна

иқтисодиёт фанлари номзоди, ТДИУ докторанти,

Исамухамедов Баҳодир Баҳромович

ТДИУ Инсон ресурсларини бошқарши кафедраси катта ўқитувчиси

Мақола аннотацияси (Abstract)

Мазкур мақолада камбағалликни келиб чиқиши сабаблари, оқибатлари, мутлақ камбағаллик концепцияси, тирикчилик минимуми ва камбағалликни қисқартиришда хорижий мамлакатлар тажрибаси, ҳамда маҳаллий олимларнинг илмий ишларини таҳлил қилиш орқали ўрганилди. Тадқиқотни олиб боришда анализ ва синтез, статистик-иқтисодий, иқтисодий-математик, тизимли таҳлил, таққослаш усуллардан фойдаланилди. Таҳлил натижаларида мамлакатнинг кам таъминланган аҳоли улуши, аҳолининг узоқ муддат фойдаланиладиган буюмлар билан таъминланганлиги, камбағаллик даражасининг динамикаси, вилоятлар кесимида камбағаллик даражасининг ўзгариши каби кўрсаткичлар очиб берилди.

Таянч сўзлар (Key words) камбағаллик даражаси, тирикчилик минимуми, депривация концепцияси, кўп ўлчамли камбағаллик, темир дафтар

Кириш (Introduction)

COVID-19 пандемияси нафақат ривожланаётган, балки юқори ривожланган давлатлар иқтисодий тараққиётига, аҳоли даромадларига ва камбағаллик даражасининг ошишига жиддий таъсир кўрсатди. Бутун дунёда 2020 йилда COVID-19 пандемияси камбағалликка қарши курашиш учун улкан сайиҳаракатларни талаб қилди, чунки бу тоифа одамлари ушбу инқироздан икки карра жабр кўрдилар. Камбағалларнинг касалликни юқтириш хавфи юқори бўлиб, тиббий хизматлардан фойдаланиш имконияти эса кам бўлган. Халқаро ташкилотларнинг ҳисоб-китобларига кўра пандемия натижасида 2020 йилда 115 миллион киши камбағалликка тушиши ва бу сўнгти ўн йиллар ичида дунёда биринчи марта камбағалликни кўпайишидир.

Албатта, камбағаллик масалалари бугунги кунда Ўзбекистон учун ҳам ўта долзарб. Кўп йиллар давомида бу мавзу ёпиқ саналиб, “камбағаллик” тушунчаси аниқ белгиланмаган ва унинг ҳукуқий асоси мавжуд бўлмаган. Мухтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида “**Камбағалликни камайтириш** – бу алоҳида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринларини яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёsatни амалга ошириш, демакдир”, деб таъкидладилар. 2020 йилда камбағалликни қисқартириш бўйича чора-тадбирларни молиялаштириш учун 100 млрд сўм ажратилди. Келгусида ушбу йўналишга мўлжалланган маблағлар давлат бюджетидан молиялаштирилиши режалаштирилди. Шунингдек, Ўзбекистон Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги негизида Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ташкил этилди.

Вазирликнинг асосий вазифалари камбағалликни қисқартириш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, тадбиркорликни ривожлантириш, бизнес-муҳит ва мамлакатнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш деб белгиланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, 2000 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясида давлатлар ва ҳукуматлар Мингийиллик декларацияси қабул қилиниб, кейинчалик Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) белгиланган. Камбағаллик ва очликка барҳам бериш масалаларига алоҳида эътибор берилиб, БРМ нинг биринчи “Камбағаллик ва очликка барҳам бериш” мақсадида ўз аксини топди. Буларнинг барчаси тадқиқот мавзусининг долзарблигини ва юқори аҳамиятлигини билдирум оқда.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review)

2000 йилдан бошлаб Бирлашган миллатлар ташкилотининг камбағалликни камайтиришни Барқарор ривожланиш мақсадларнинг устувор йўналиши сифатида белгилаганидан сўнг камбағалликни камайтириш ва аҳоли даромадларини ошириш мавзусида кўплаб хорижий олимлар ўз илмий тадқиқотларини ўтказиб келмоқда. Бу борада БМТ нинг Барқарор ривожланиш мақсадларида акс эттирилган камбағалликни қисқартириш борасида натижаларга эришган биринчи ва ягона давлат Хитойнинг¹⁷ [1] тажрибаси ўрганишга лойикдир. Камбағаллик, тенгсизликнинг иқтисодий ўсишга бўлган таъсирини Роберд Брайниг, Омер Маджит¹⁸ [2], тенгсизликнинг иқтисодий ўсишга бўлган салбий таъсирини Чигано¹⁹ [3], камбағаллик инсонларни ўзининг жисмоний ва инсон капиталларига инвестициялар киритиши ва соғлигини яхшилашга маблағлар сарфлашини камайтиришини Л.Е.Байн²⁰ [4], С.Боулем²¹ [5], Ж.Сашс²² [6], камбағалларнинг пенсия ва суғурта хизматларига бўлган муносабатини Д.Перкинс²³лар [7] тадқиқотларида ўз аксини топган.

Камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадларини оширишнинг миллий хусусиятлари, механизмлари, бу муаммонинг республикамизга хос бўлган

¹⁷ Rao Fu, Gui Jin, Jinyue Chen, Yuyao Ye, The effects of poverty alleviation investment on carbon emissions in China based on the multiregional input-output model, Technological Forecasting and Social Change, Volume 162, 2021,120344, ISSN 0040-1625, <https://doi.org/10.1016/j.techfore.2020.120344>; K. Cleaver Scaling up in agriculture, rural development, and nutrition: Investing in agriculture to reduce poverty and hunger Int. J. Food Sci. Tech., 41 (7) (2015), pp. 813-832; S. He The 2030 agenda for sustainable development and China-Latin America cooperation J. Lat. Am. Stud., 40 (2) (2018), pp. 1-15

¹⁸ Robert Breunig, Omer Majeed, Inequality, poverty and economic growth, International Economics, Volume 161,

2020, Pages 83-99, ISSN 2110-7017, <https://doi.org/10.1016/j.inteco.2019.11.005>.

¹⁹ F. Cingano Trends in Income Inequality and its Impact on Economic Growth OECD Social, Employment and Migration Working Papers, No. 163 OECD Publishing (2014), [10.1787/5jxrjncwxv6j-en](https://doi.org/10.1787/5jxrjncwxv6j-en)

²⁰ L.E. Bain, P.K. Awah, N. Geraldine, N.P. Kindong, Y. Siga, N. Bernard, A.T. Tanjeko Malnutrition in sub-saharan africa: burden, causes and prospects Pan African Medical Journal, 15 (120) (2013)

²¹ S. Bowles, S. Durlauf, K. Hoff Poverty Traps Russell Sage Foundation. Princeton University Press, Princeton, NJ (2006)

²² J. Sachs The End of Poverty: How We Can Make it Happen in Our Lifetime Penguin Group, London, UK (2005)

²³ D.H. Perkins, S. Radelet, D.L. Lindauer, S.A. Block Economics of Development W.W. Norton, New York, NY (2012)

ечимлари К.Абдурахмонов, Н.Зокирова²⁴ [8], Б.Хамидов²⁵ [9], Р.Хасанов²⁶ [10], Ш.Холмўминов, Б.Х.Умурзаков²⁷ [11] каби маҳаллий олимларнинг илмий ишларида ўрганилган.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology) Тадқиқотни олиб борища анализ ва синтез, статистик-иқтисодий, иқтисодий-математик, тизимли таҳлил, таққослаш усуллардан фойдаланилган. Мазкур усуллардан фойдаланиш орқали республикамида камбағаллик ҳолати, даражаси унинг динамикаси, камбағалликни ўлчашнинг мезон ва концепцияларни, камбағалликни камайтириш имкониятлари аниқланди.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)

Жаҳон мамлакатлари томонидан камбағалликни белгилаш ва ўлчашнинг турлича мезонлари шаклланган. Масалан, жаҳон банки томонидан **камбағаллик** деб инсоннинг ҳаёти давомида танлов ва имкониятларга эга бўлмаслиги, жамиятда тўлақонли иштирок этиш учун тўсиқларнинг мавжудлиги, бундан ташқари, оиласини боқиши ва кийинтириши, таълим олиши ёки касалхонада даволаниши, бирор соҳада фаолият юритиши ёки даромад олишга имкон берадиган меҳнат билан таъминлаш имкониятлари етишмаслиги ҳамда кредит олиш имкониятининг чекланганлигига намоён бўлади. Шунингдек, камбағаллик — бу инсонлар, уй хўжаликлари ва жамоаларнинг ижтимоий жиҳатдан чегаралангандиги, хавф-хатарлар олдида чорасизлиги ҳамда ноҷорлиги саналади²⁸ [12].

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, камбағалликнинг турли бир бирига боғлиқ сабабларга кура келиб чиқиши мумкин. Уларни қўйидагича таснифлаш мумкин (1-расм).

Камбағаллик келиб чиқишининг иқтисодий сабабларига ишсизлик, иқтисодий тенгсизлик, иш ҳақининг пастлиги, меҳнат унумдорлигининг пастлиги, тармоқ ва ҳудудларнинг норақобатбардошлиги киради. Ижтимоий-тиббий сабаблари бу ногиронлик, ишчи кучи таркибида қарияларнинг улуши, касалланиш даражаси юқорилиги, тиббий хизмат ва инфратузилмасининг етарли даражада ривожланмаганлигидир. Камбағалликнинг демографик сабаблари тўлиқсиз оиласлар, туғилиш юқорилиги, таълим-малакавий сабабларга маълумот даражаси пастлиги, касбий тайёргарлик ва малакаси етарли эмаслиги, сиёсий сабабларга ҳарбий можаролар, сиёсий мажбурий миграция, ҳудудий сабабларга ҳудудларнинг нотекис ривожланиши киради.

²⁴ К Abdurakhmanov, N Zokirova [Human development](#) - Tashkent: University of G. Plekhanov, 2014

²⁵ Б.Хамидов Ўзбекистонда камбағаллик даражаси. Камбағалликни камайтириш учун нима қилиш керак? // Экономическое обозрение, 2020, <https://review.uz/oz/post/ozbekistonda-kambagallik-darajasi-kambagallikni-kamaytirish-uchun-nima-qilish-kerak>

²⁶ Р.Хасанов, Б.Усмонов Ўзбекистонда камбағаллик ва уни қисқартириш йўллари // Экономическое обозрение, 2020, <https://review.uz/oz/post/ozbekistonda-kambagallik-va-uni-qisqartirish-yollar>

²⁷ Ш.Холмўминов, Б.Умурзаков Қишлоқ жойларда аҳолини норасмий иш билан бандлигини камайтиришнинг стратегик ижтимоий-иқтисодий аҳамияти // “Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг замонавий ўйналишлари” илмий мақолалар тўплами, 2020

²⁸ БМТ Европа Иқтисодий комиссиясининг «Камбағалликни ўлчаш бўйича қўлланма»сидан, 2017 йил Нью-Йорк, Женева



1-расм. Камбағалликнинг келиб чиқиш сабаблари

Манба: муаллифлар ишланмаси

Мутлақ камбағаллик концепцияси камбағаллик чегараси тушунчаси билан бевосита боғлиқ. Камбағаллик чегараси – бу даромаднинг, ялпи даромад ва истеъмолнинг чегараси бўлиб, бу чегаранинг қуи даражаси инсоннинг камбағаллигини билдиради. Мутлақ камбағаллик даромад ва истеъмол даражаси камбағаллик чегарасидан паст бўлган инсонлар ёки уй хўжаликларнинг сони орқали аниқланади. Жаҳон банки иқтисодиёти паст ривожланаётган давлатлар учун мутлақ камбағаллик чегарасини кунлик 1,25 АҚШ доллар (доллар курси харид қобилияти паритети бўйича ҳисобланади) миқдорда белгилаган. 2015 йилда эса мутлақ камбағаллик чегарасини 1,9 АҚШ долларигача кўтарган. Шунингдек, мамлакатлар аҳолиси даромадларининг ўрта ва юқори даражаларидан келиб чиқиб 3,2, 5,5 ва 21,7 АҚШ доллари этиб белгилаш ҳам тавсия этилган.

Камбағаллик даражасини аниқлаш учун **озик-овқат, ноозик-овқат** маҳсулотлари ва **хизматлардан** иборат бўлган ҳамда бир киши учун зарур бўлган **минимал истеъмол харажатлари концепцияси** ҳам мавжуд.

Тирикчилик минимуми инсон саломатлигини сақлаш ва унинг ҳаётий фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган моддий неъматлар ва хизматлар истеъмолининг минимал кўрсаткичидир. Тирикчилик минимуми ўрта ҳисобда аҳоли жон бошига тўғри келадиган қиймат тарзида, асосий ижтимоий-демографик групкалар бўйича, шу жумладан, алоҳида шаҳарлар ва маъмурий-худудий бирлашмалар бўйича белгиланиши мумкин.

Тирикчилик минимумининг қийматини белгилаш негизини илмий асосда ишлаб чиқилган озик-овқат маҳсулотлари табиий турлари, ўлчамлари ташкил этади, улар аҳоли айrim ижтимоий-демографик групкалари учун минимал

истеъмол меъёрлари бўйича табақалаштириб берилади ҳамда истеъмол қилинадиган моддаларнинг калориялиги ва кимёвий таркиби бўйича мувозанатлаштирилади.

Бунга асосан 24 декабрь 2020 йилда “Ўзбекистон Республикаси ахолисининг ёшига, жинсига ва касбий фаолияти гурухлари учун соғлом овқатланишни таъминлашга қаратилган ўртacha кунлик рационал овқатланиш нормативлари” ишлаб чиқилди. Рационал овқатланиш нормативлари инсон меҳнатининг оғирлиги ва касб гурухлари асосида, мамлакатимизнинг иклими ва овқатланишдаги миллий хусусиятларини инобатга олган ҳолда, қувватга ва асосий озиқ-овқат моддаларига бўлган физиологик эҳтиёжини ва инсон ресурсларини кайта тикланишига асосланниб, 5 та гурухларга ажратилди:

1-гурух — асосан ақлий меҳнат билан шуғулланувчи шахслар, енгил жисмоний фаоллик, талабалар, ижтимоий фанларга оид мутахассисликлар, ЭҲМ операторлари, ўқитувчилар, диспетчерлар, пульт бошқарувчилар, хисобчилар, котиб(а)лар ЖФК (жисмоний фаоллик коэффициенти) — 1,4). Бир кеча-кундузлик қувват сарфи 1800 — 2450 ккал;

2-гурух — енгил меҳнат билан шуғулланувчилар — транспорт ҳайдовчилари, конвейер ишчилари, тиқувчилар, савдо ходимлари, радиоэлектрон саноати ишчилари, агрономлар, ҳамширалар, кичик тиббий ходимлар, алоқалар соҳасида хизмат кўрсатувчилар, ЖФК — 1,6: бир кеча-кундузлик қувват сарфи 2100 — 2800 ккал;

3-гурух — ўрта оғирликлардаги меҳнат, чилангарлар, созловчилар, станок ишчилари, бурғуловчилар, экскаватор ҳайдовчилари, тракторчилар, комбайнчилар, автобус ҳайдовчилари, жарроҳлар, текстил комбинати ишчилари, этикдўзлар, темир йўлчилар, металлургия комбинати ишчилари, кимё саноати ишчилари, умумий овқатланиш муассасалари официантлари, ошпаз ва ишчилари ЖФК — 1,9. Бир кеча-кундузлик қувват сарфи 2500 — 3300 ккал;


4-гурух — оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланувчи ишчилар, курилиш ишчилари, бурғулаш ёрдамчилари, кон қазувчи ишчилар, пахтакорлар (йифим теримдан ташқари), қишлоқ хўжалиги механизаторлари, доялар, кўчирувчилар, сабзавотчилар, дурадгорлар, металлурглар, қуиши ишчилари ЖФК — 2,2. Бир кеча-кундузлик қувват сарфи 2850 — 3850 ккал;

5-гурух — ўта оғир жисмоний меҳнат, жуда юқори жисмоний фаоллик билан ишловчилар ЖФК — 2,4 — оғир меҳнат билан шуғулланувчи қишлоқ хўжалиги ишчилари, йифим-теримга жалб қилинган пахтакорлар, кесувчилар, бетон ишчилар, экскаваторда ишловчилар, механизацияшмаган меҳнат юклагичлари, кончилар. Бир кеча-кундузлик қувват сарфи 3750 — 4200 ккал.

Тирикчилик минимуми бюджетида истеъмол меъёрлари фақат озиқ-овқат маҳсулотларига белгиланган, товарлар ва барча турдаги хизматлар қиймати 31,7 фоиз миқдорида белгиланган, қолган қисмини ноистеъмол товарлар ва барча турдаги хизматлар ташкил қиласи.

Ноистеъмол товарларининг энг кам тўплами якка тартибда фойдаланиладиган товарлардан (кийим, оёқ кийими ва мактаб-ёзув товарлари) ва умумий оила товарларидан (чойшаб, ёстиқ, кўрпа жилдлари, маданий-маиший ва

хўжалик товарлари, биринчи эҳтиёж, санитария воситалари ва дорилар) ташкил топади.



2-расм. Ўзбекистон Республикасида кам таъминланган аҳоли улуши, %да²⁹

Хизматларнинг энг кам тўплами турага жой, марказий иситиш, совук ва иссик сув, газ, электр энергияси билан таъминлаш, транспорт хизматларидан ташкил топади.

Шундай қилиб, озиқ-овқат маҳсулотлари, якка тартибдаги ноозик-овқат товарлари ва хизматлар истеъмолининг меъёрлари шуни кўрсатадики, тириклий минимуми ишчи кучининг мўътадил қайта тикланишини таъминламайди ва шунга мувофиқ уни ижтимоий сиёсатнинг вақтинчалик воситаси сифатида баҳолаш лозим бўлади. [13]


Камбағалликнинг нисбий концепцияси. Камбағалликнинг нисбий кўрсаткичи камбағаллик нисбий чегарасини белгилайди ва аҳолининг амалдаги даромадини ана шу даражага нисбатан таққослайди. Аҳолининг реал даромадлари ортиб бораётган шароитда тақсимлаш ўзгармаса, нисбий камбағаллик аввалдагидек сақланиб қолади. Бундан нисбий камбағаллик концепцияси тенгсизлик концепциясининг таркибий қисми деган хулоса чиқариш мумкин. Бироқ бу тенгсизлик қанча кам бўлса, нисбий камбағаллик шунчалик кам бўлиши маъносини бермайди ёки аксинча.

Ушбу концепция моддий таъминоти паст бўлган бўлган аҳолининг камбағал тоифаларини бутун аҳолининг аксарият қисми билан таққослаганишига асосланади, шу билан бирга бу асос мамлакат аҳолисининг ўртacha ёки ўртacha даромадига нисбатан фоиз сифатида белгиланадиган камбағаллик чегараси билан баҳоланади. Тахмин қилиш мумкинки, аҳолининг ўртacha даромадларининг ўзгаришига қараб, камбағаллик чегараси ҳам ўзгаради, камбағаллик чегараси автоматик равища ўзgartирилади. Ушбу концепция камбағалликни баҳолашнинг аҳоли даромадларининг фарқланиш даражасига боғлиқлигини акс этади.

²⁹ Жаҳон банки тавсиясига кўра кам таъминланганлик даражаси кўрсаткичи кунлик 2100 ккал дан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланган. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/living-standards-2> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти

Депривация концепцияси. Ушбу концепцияга кўра камбағаллар деб истеъмоллари умумий қабул қилинган стандартларга жавоб бермайдиган, маълум товар ва хизматлар тўпламидан фойдалана олмайдиган шахслар тушунилади. Ушбу ёндашув инсон парварлик муаммоларининг чуқурлигини анқлашга имкон беради, чунки ушбу концепция мухим товар ва хизматларнинг истеъмол қилинмаслигини ўрганади.

Ўзбекистон Республикасида ахолининг уй хўжалигида зарур бўлган узоқ муддат фойдаланиладиган буюмлар билан таъминланганлик даражаси таҳлил этилганда шахсий компьютерлар (4 марта), енгил автомашиналар (2 марта) ва мобил телефонлар (2 марта) билан таъминланганлик даражаси оҳирги 10 йил ичидаги кескин ошганлигини аниqlанди.



З-расм. Аҳолининг узоқ муддат фойдаланиладиган буюмлар билан таъминланганлиги (100 та уй хўжалигига), донада

Тахлиллар шуни күрсатдикі, республикамиз ахолиси мобил телефонлар, телевизорлар, совутгич ва музлатгичлар билан тұлық таъминланған. Шу билан бирга күп уй-хұжаликлари кондиционер (100 та уй хұжалигидан 39 тада мавжуд), енгил автомашиналар (100 та уй хұжалигидан 48 тада мавжуд), шахсий компьютер (100 та уй хұжалигидан 56 тада мавжуд) ва электр чангютгичлар (100 та уй хұжалигидан 59 тада мавжуд) га әктиөж сезмоқдалар.

Кўп ўлчамли камбағаллик. Кўплаб мамлакатларда уй-жой, соғлиқни сақлаш, таълим олиш ва фойдаланиш билан боғлиқ бўлган депривацияларни сезишади. Бироқ, худди шу одамлар бир вақтнинг ўзида бир нечта депривацияни сезиши мумкин, ҳамда кўп ўлчамли камбағалликни баҳолаш усули буни аниқлашга ёрдам беради.

Камбағалликнинг кўп ўлчамли расмий кўрсаткичларда қуидаги асосий параметрлар бўйича депривациялар аниқлаш лозим:

—саломатлик

- таълим
- иш билан бандлик
- уй-жой
- асосий хизматлар
- ижтимоий таъминот
- шахсий хавфсизлик (зўравонлиқдан ҳимоя)
- озиқ-овқат хавфсизлиги
- болалар ва ўсмирлар ҳолати

Ҳар бир мамлакат ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, миллий хусусиятларига қараб, аҳолининг аниқ тоифлари билан манзилли ишлаш учун бу параметрларни ўзи белгилаши ва камбағалликни баҳолаши мумкин. Қуйидаги жадвалда турли мамлакатлар томонидан камбағалликнинг кўп ўлчамли индексини ҳисоблаш учун танланган параметрлар акс эттирилган [14] (1-жадвал):

1-жадвал

Ривожланаётган мамлакатлар томонидан камбағалликнинг кўп ўлчамли индексини ҳисоблаш учун танланган параметрлар³⁰

Мамлакат	Камбағалликнинг кўп ўлчамли индексини ҳисоблаш учун танланган параметрлар
Арманистон	1) таълим, 2) соғлиқ сақлаш, 3) иш билан бандлик, 4) асосий истеъмол эҳтиёжлари, 5) уй-жой
Доминикана Республикаси	1) таълим ва болаларни парваришлаш, 2) соғлиқни сақлаш, 3) иш билан бандлик, 4) уй-жой, 5) рақамли тенгизлиқ ва жамоат муносабатлари
Колумбия	1) таълим, 2) болалар ва ўсмирларнинг ҳолати, 3) иш билан бандлик, 4) соғлиқни сақлаш, 5) уй-жой ва давлат хизматлари
Коста-Рика	1) таълим, 2) соғлиқни сақлаш, 3) иш билан бандлик ва ижтимоий таъминот, 4) турмуш даражасининг асосий кўрсаткичлари
Мексика	1) таълим, 2) соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш кўрсаткичлари, 3) озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш имкониятлари, 4) ижтимоий таъминотдан фойдаланиш, 5) уй-жой, 6) уй-хўжалигига асосий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари, 7) даромадларнинг даражаси
Пакистан	1) таълим, 2) соғлиқни сақлаш, 3) турмуш даражаси
Панама	1) соғлиқни сақлаш, 2) таълим, 3) иш билан бандлик, 4) уй-жой, асосий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари, интернетга уланиш имкониятлари, 5) атроф-муҳит ва санитария
Сальвадор	1) таълим ва болаларни парваришлаш тизими, 2) соғлиқни сақлаш ва озиқ-овқат хавфсизлиги, 3) иш билан бандлик, 4) уй-жой, 5) хавфсизлик ва атроф-муҳит
Чили	1) таълим, 2) соғлиқни сақлаш, 3) иш билан бандлик ва ижтимоий таъминот, 4) турмуш даражаси


³⁰ Руководство по измерению бедности. Организация Объединенных Наций Нью-Йорк и Женева, 2017 год

Эквадор	таълим, 2) соғлиқни сақлаш, сув ва озиқ-овқат таъминоти, 3) иш билан бандлик ва ижтимоий таъминот, 4) уй-жой ва давлат хизматлари
---------	---

Кўриниб турибдики, аксарият давлатлар камбағалликни аниқлашда таълим, соғлиқни сақлаш, уй-жой таъминоти ва иш билан бандлик соҳаларида маълум бир депривациялар билан боғлашмоқда. Шунингдек, ривожланиш даражаси юқорилаб бораётган давлатларнинг депривация параметрлари руйхати кенгайиб бораётганлигини кўриш мумкин. Бу албатта, ўз аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш мақсадида амалга оширилаётганлигини таъкидлаш мумкин.

Камбағаллик кўрсаткичлари. 2015 йил сентябрь ойида БМТнинг Барқарор ривожланиш бўйича саммитида қабул қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 70-сонли қарорига мувофиқ, шунингдек, БМТнинг 2030 йилгача Глобал кун тартибидаги Барқарор ривожланиш мақсадларини ичзил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрда 2030 йилгача бўлган даврда 16 та барқарор ривожланиш мақсадлари ва тегилши 127 та вазифалар тасдиқланди. Унга кўра камбағалликка тегишли қўйидаги вазифалар ва уларни баҳоловчи индикаторлар белгиланди.

Белгиланган барча индикаторлар бўйича таҳлиллар шуни кўрсатдикি Ўзбекистонда камбағаллик даражаси 2001 йилга нисбатан мунтазам камайиб бормоқда. Агар 2001 йилда кам таъминланганлик даражаси 27,5% ни ташкил қилган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 11,4% гача тушган. Қишлоқларда камбағаллик даражаси шаҳарларга нисбатан юқорироқ (қишлоқларда 14,3%, шаҳарларда 8,4%) [15].




4 – расм. Ўзбекистонда камбағаллик даражасининг динамикаси, %да³¹

³¹ <http://nsdg.stat.uz/> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти маълумотлари

Кишлоқ аҳолисининг камбағаллик даражасига кўплаб омиллар таъсир этмоқда, жумладан, қишлоқ ёшлари ва аёлларининг иқтисодий фаоллиги ва малакавий касбий даражасини пастлиги, қишлоқ хўжалигидаги иш ўринларининг асосий қисми қисқа муддатли ва мавсумий характерга эгалиги, ишчи кучининг салмоқли қисми иш ҳақи паст ва барқарор бўлмаган иш ўринларида банд этилганлиги, хориждан инвестицияларни жалб этиш бўйича фаол харакатнинг сустлиги, қишлоқ иқтисодиётининг қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш саноати, қурилиш, хизмат кўрсатиш, ижтимоий инфратузилма, хусусий тадбиркорлик ва оиласиий тадбиркорлик ва бошқа тармоқлари ва соҳаларида иш ўринлари ташкил этиш юқори даражада эмаслиги, ташқи ва ички меҳнат миграциялари яхши ташкил этилмаганлигидир.

Камбағаллик даражасини қисқартириш дастурларини мақсадли ва манзилли бўлиши учун бу кўрсаткични ҳудудлараро нисбатда ҳам кўриш жоиз.



5 –расм. Ўзбекистон Республикасида вилоятлар кесимида камбағаллик даражасининг ўзгариши³²

Камбағаллик даражаси Қорақалпоғистон Республикаси (25,9%), Қашқадарё (20,9%), Сурхондарё (18,7%) ва Сирдарё (15%) вилоятларида юқори даражада, аксинча, Тошкент шаҳри (0,4%), Тошкент (6,5%) ва Фарғона (6,6%) вилоятларидан камбағалликнинг паст кўрсаткичлари қайд этилган [16].

Аҳолининг молиявий аҳволи нафақат бир шахс ва унинг оиласига, балки бутун мамлакат учун катта аҳамиятга эга. Аҳолининг камбағаллиги мамлакат

³² <http://nsdg.stat.uz/> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти маълумотлари

иқтисодий тараққиётига салбий таъсир кўрсатади, харидорлик қобилияти йўқолади, ижтимоий бирдамликка путур етади, сиёсий ва ижтимоий зиддиятлар кучаяди, жиноятчилик даражаси ошади, таълим олиш имкониятлари пасаяди, касалликлар ортиб, ижтимоий бекарорлик юзага келади.

Хар бир жамиятда камбағаллик доимо иқтисодий ва ижтимоий йўқотиш ва хатарлар билан боғлиқ бўлади (6-расм).

Иқтисодий харажатлар аҳолининг иқтисодий фаол қисми тўлиқ банд бўлмаслиги оқибатида ЯИМда ўз ифодасини топади. Молиявий харажатларга биринчидан, кам таъминланганларга ижтимоий ёрдам сифатида кетадиган харажатлар (нафақа ва моддий ёрдамнинг бошқа турлари, камбағалликни қисқартириш дастурини амалга оширишга), иккинчидан, давлат бюджетига тушмаган солиқлар суммаси орқали ҳисобланадиган харажатлар киради.



6 - расм. Камбағалликнинг салбий оқибатлар

Ижтимоий йўқотишларга аҳолининг маълум бир табақалари турмуш даражаси пасайиши, улар орасида касалликлар, моддий жиҳатдан кам таъминланган оиласалар кўпайиши ва ҳоказолар киради. Узок муддатли ишсизлик даврида қўшимча харажатлар ҳам кўпаяди: малакавий потенциали ва мунтазам (доимий) меҳнат фаолияти қўнималари йўқолади, оқибатда ишчи кучи

қадрсизланади. Узоқ муддатли ишсизлик аксарият ҳолларда психологик ҳаражатларни ва ҳалокатли оқибатларни юзага келтиради.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир давлатнинг ҳукумати томонидан мамлакатнинг ижтимой-иқтисодий ривожланиш даражасини ва миллий хусусиятларини инобатга олган ҳолда камбағалликни қисқартириш бўйича стратегия, харакатлар режаси ёки йўл хариталари белгиланган бўлиши зарур.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations)

Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида бир қатор вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир, жумладан:

1. БМТ Тараққиёт дастури, Жаҳон банки каби қатор ҳалқаро ташкилотлар билан биргалиқда «**Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача камбағалликни қисқартириш стратегияси**» лойиҳасини ишлаб чиқиш;

2. Камбағалликни қисқартириш борасида комплекс ёндашув ва ностандарт усуллар жорий этиш, яъни камбағал аҳолининг асосий эҳтиёжларини кафолатли таъминлаш бўйича Ҳалқаро эксперtlар билан чуқур таҳлил асосида, ҳисобкитоблар якунига етказилади ва жорий йилнинг 1 мартадан бошлаб, «**Аҳолининг минимал истеъмол ҳаражатлари қиймати**» жорий этиш. Мазкур ёндашув аҳолининг камбағал қатламига кредит, ижтимоий нафақа ёки уй бериш билан биргалиқда таълим, соғлиқни сақлаш, касб-хунарга ўқитиш, ичимлик суви, энергия ва йўл инфратузилмаси билан боғлиқ комплекс муаммоларни ҳал этишни назарда тутади.

3. Эҳтиёжманд аҳолини тўғри аниқлаш ва шу асосда, улар билан манзилли ишлаш тизими яратиш.

4. Келгуси йилдан тўлиқ ишга тушадиган «**Ижтимоий реестр**»да «темир дафтар»даги барча маълумотлар қамраб олиниб, эҳтиёжманд оиласаларга 30дан зиёд ижтимоий хизматлар электрон шаклда кўрсатиш.

5. Ижтимоий кафолатларни бир тизимга келтириб, уларни минимал меъёрлар даражасида босқичма-босқич таъминлаш бўйича дастур ишлаб чиқиш.

6. Ҳудудларнинг мавжуд салоҳиятини камбағалликни қисқартириш учун сафарбар этиш йўлларини ишлаб чиқиш, жумладан:

— ҳудудлардаги мавжуд маҳсус индустрисал зоналардаги лойиҳаларни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрилади;

— эҳтиёжманд аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича мотивация, қўнікма ва молиявий қўмак тамойили асосида ҳар бир туман ва шаҳар бўйича алоҳида дастурлар ишлаб чиқилади.

7. Ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунарга ўргатиш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш ва доимий даромад манбанини яратишнинг янги механизмини амалиётга жорий этиш бўйича **қарор лойиҳаси** ишлаб чиқиш.

8. Камбағалликни қисқартиришга алоқадор ва масъул хорижий институтлар билан ҳамкорлик янада ривожлантириш, жумладан:

- 2021 йилда “Қашшоқликка барҳам бериш ва камбағалликка қарши қурашиш” масалаларига бағишинган **Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Глобал саммитида иштирок этиш;**

- 2021 йилда ШХТга аъзо мамлакатларда соҳага масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда **“Камбағалликка қарши қурашиш” конференцияси** ўтказиш;

- Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва Хитой Xалқ Республикасининг Xалқаро камбағалликни қисқартириш маркази ўртасида **англашув меморандуми** имзолаш.

2020 йилда глобал карантин натижасида иш жойдан ва меҳнат даромадидан маҳрум бўлган, кам таминланган аҳолининг заиф қатламини аниқлаш ва манзилли ёрдам қўрсатиш мақсадида амалиётга “темир дафтар” жорий этилди.

“Темир дафтар” — карантин шароитида ишсиз, даромадсиз қолган эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож оиласарнинг маҳаллада шакллантирилган шаффофф рўйхатидир.

“Темир дафтар” ўз навбатида фуқаролар йигинлари раисининг сектор ва ҳудуд раҳбари билан ҳамкорликдаги фаолиятини мустаҳкамлаб, “Темир дафтар”ни юритишида эҳтиёжманд оиласарнинг 7 тоифаси, жумладан:

- кам таъминланган;
- ногиронлиги бўлган;
- ижтимоий ҳимояяга муҳтож оиласар;
- якка-ёлғиз кексалар;
- доимий ишсиз фуқаролар;
- карантин туфайли ишсиз қолган фуқаролар;
- оғир эпидемиологик ҳудудлардан қайриб келинган фуқароларни камбағалликдан чиқариш чоралари кўрилди.

Масъул ходимлар ўзининг кунлик амалга оширган ишлари юзасидан «Темир дафтар»идаги маълумотларни saxovat.argos.uz сайтига рақамли имзо калити орқали электрон шаклда киритиб борилади;

«Темир дафтар»га тушган оиласанинг ҳеч бўлмагандан битта аъзосини жорий йилда иш билан таъминланиб, шу орқали уларни муҳтожлиқдан чиқариш чоралари кўрилди.

Хулоса қилиб шуни қайд этиш мумкинки, ушбу муаммонинг аниқ ва тайёр ечими мавжуд эмас. Ҳар томонлама чуқур таҳлил этилган, мувофиқлаштирилган ҳудудий “маҳаллайбай” дастурлар зарур. Қисқа ва узоқ муддатли истиқболда инсонларнинг имкониятларини кенгайтириш зарур. Бунда энг асосий мақсад уларни давлат ёрдамига қарам қилиш эмас, балки қийинчилик вақтида суящ, сифатли таълим бериш, инсон капитали даражасини яхшилаш орқали меҳнат бозорида рақобатбардош ички кучига айлантиришdir.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (References)

1. Rao Fu, Gui Jin, Jinyue Chen, Yuyao Ye, The effects of poverty alleviation investment on carbon emissions in China based on the multiregional input–output model, Technological Forecasting and Social Change, Volume 162, 2021,120344, ISSN

0040-1625, <https://doi.org/10.1016/j.techfore.2020.120344>; K. Cleaver Scaling up in agriculture, rural development, and nutrition: Investing in agriculture to reduce poverty and hunger Int. J. Food Sci. Tech., 41 (7) (2015), pp. 813-832; S. He The 2030 agenda for sustainable development and China-Latin America cooperation J. Lat. Am. Stud., 40 (2) (2018), pp. 1-15

2. Robert Breunig, Omer Majeed, Inequality, poverty and economic growth, International Economics, Volume 161, 2020, Pages 83-99, ISSN 2110-7017, <https://doi.org/10.1016/j.inteco.2019.11.005>.

3. F. Cingano Trends in Income Inequality and its Impact on Economic Growth OECD Social, Employment and Migration Working Papers, No. 163 OECD Publishing (2014), 10.1787/5jxrjncwxv6j-en

4. L.E. Bain, P.K. Awah, N. Geraldine, N.P. Kindong, Y. Siga, N. Bernard, A.T. Tanjeko Malnutrition in sub-saharan africa: burden, causes and prospects Pan African Medical Journal, 15 (120) (2013)

5. S. Bowles, S. Durlauf, K. Hoff Poverty Traps Russell Sage Foundation. Princeton University Press, Princeton, NJ (2006)

6. J. Sachs The End of Poverty: How We Can Make it Happen in Our Lifetime Penguin Group, London, UK (2005)

7. D.H. Perkins, S. Radelet, D.L. Lindauer, S.A. Block Economics of Development W.W. Norton, New York, NY (2012)

8. K Abdurakhmanov, N Zokirova Human development - Tashkent: University of G. Plekhanov, 2014

9. Б.Хамидов Ўзбекистонда камбағаллик даражаси. Камбағалликни камайтириш учун нима қилиш керак? // Экономическое обозрение, 2020, <https://review.uz/oz/post>

10. Р.Хасанов, Б.Усмонов Ўзбекистонда камбағаллик ва уни қисқартириш йўллари // Экономическое обозрение, 2020, <https://review.uz/oz/post/ozbekistonda-kambagallik-va-uni-qisqartirish-yollari>

11. Ш.Холмўминов, Б.Умурзаков Қишлоқ жойларда аҳолини норасмий иш билан бандлигини камайтиришнинг стратегик ижтимоий-иктисодий аҳамияти // “Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг замонавий йўналишлари” илмий мақолалар тўплами, 2020

12. БМТ Европа Иқтисодий комиссиясининг «Камбағалликни ўлчаш бўйича қўлланма»сидан, 2017 йил Нью-Йорк, Женева

13. Жаҳон банки тавсиясига кўра кам таъминланганлик даражаси кўрсаткичи кунлик 2100 ккал дан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланган. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/living-standards-2> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти

14. Руководство по измерению бедности. Организация Объединенных Наций Нью-Йорк и Женева, 2017 год

Iqtisodiy tadqiqotlar 2021 yil, 1-son

15. <http://nsdg.stat.uz/> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти маълумотлари
16. <http://nsdg.stat.uz/> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти маълумотлари.